

## **Япония билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида стратегик шерикчиликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида ҚЎШМА БАЁНОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош вазири Синдо Абэ 2015 йил 24 – 26 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Илиқ ва дўстона муҳитда ўтган музокарапар давомида Япония Бош вазири Синдо Абэ ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилганидан бўён икки томонлама ҳамкорликнинг изчил ривожланиб бораётганлигини юқори баҳоладилар, шунингдек, икки томонлама дўстона алоқаларнинг стратегик шерикчилик асосида янада мустаҳкамланиб боришига ишонч билдирилар.

Япония ва Ўзбекистон Республикаси (кейинги ўринларда – Томонлар деб аталувчилар) дўстлик, ўзаро ишонч, хурмат ва ўзаро манфаатдорлик асосида икки томонлама стратегик шерикчиликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун биргаликда саъй – ҳаракат қилишга розилик билдирилар.

### **I. Икки томонлама муносабатлар**

1. Томонлар Президент Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга ташрифи самараси ўлароқ икки томонлама мулоқотнинг фаоллашганини ҳамда кўплаб, шу жумладан сиёсий, иқтисодий ва маданий – гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг чуқурлашганини маъқулладилар. Томонлар Япония Бош вазири Синдо Абэнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи барча соҳаларда амалий ҳамкорликни янада жадаллаштиришга қаратилган ўзаро сиёсий иродани намоён қилганини мамнуният билан тъқидладилар.

2. Томонлар 2002 йил 29 июлдаги Дўстлик, стратегик шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Қўшма баёновт ҳамда 2011 йил 9 февралдаги Япония ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Қўшма баёновт руҳида икки давлат ўртасида ҳар томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш муҳимлигини эътироф этдилар.

3. Томонлар сиёсий мулокот, шу жумладан юқори мансабдор шахсларнинг ташрифлари икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини қайд этдилар. Томонлар икки тарафлама муносабатларга оид масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, ўзаро қизиқиш уйготадиган халқаро ва минтақавий муаммолар борасида фикр алмасиши учун икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказишни давом эттириш истагини билдирилар.

4. Томонлар мазкур ташрифнинг муҳим 2015 йилда бўлиб ўтганининг аҳамиятини эътироф этдилар.

Ўзбек томони Япониянинг урушдан кейинги даврда тинчликсевар давлат сифатидаги изчил ҳаракатларини ва унинг халқаро тинчликни таъминлаш ишига қўшган ҳиссасини юқори баҳолади.

Япон томони халқаро ҳамкорлик принципларига асосланган “тинчликка фаол ҳисса” нуқтаи назаридан келиб чиқкан ҳолда халқаро тинчлик, барқарорликни таъминлаш ва тараққиётга аввалгига нисбатан янада кўпроқ фаол ҳисса қўшиш истаги тўғрисида маълум қилди.

Япон томони Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни сақлашнинг муҳимлигини қайд этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган мустақил, пухта ва прагматик ташқи сиёсатга нисбатан ҳурмат изҳор қилди.

5. Томонлар стратегик шерикчилик, ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим қисми бўлмиш Япония Парламенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўртасида парламентлараро алоқаларнинг янада ривожланиши муҳимлигини қайд этдилар. Томонлар икки тарафлама муносабатларнинг кенгайиши ва ривожланишида Япониянинг Ўзбекистон билан дўстлик парламент лигаси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси – Япония Парламенти” парламентлараро гуруҳининг аҳамияти ва ўрнини таъкидладилар.

6. Япон томони Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инфратузилмани ривожлантиришга

йўналтирилган таркибий ислоҳотларни қўллаб – қувватлашини изҳор қилди.

Ушбу вазифаларнинг бажарилишига икки мамлакат ўртасида кенг кўламли ва ўзаро манфаатли савдо – иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий ва молиявий – техник, авваломбор, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг турли тармоқларига илғор тажриба ва замонавий япон технологияларини жалб қилиш ва жорий этиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳам кўмаклашиши қайд қилинди.

7. Томонлар икки тарафлама савдо – иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш ва чукурлаштириш, уларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш учун улкан салоҳият ва кенг имкониятлар мавжуд эканини таъкидладилар.

Томонлар ушбу жараёнда икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида шерикчилик алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаш ва Ўзбекистон Республикасида япон компаниялари иштирокида инвестицион лойиҳаларни қўллаб – қувватлашнинг самарали механизми ҳисобланган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япон – ўзбек ва Ўзбек – япон қўмиталарининг мунтазам мажлислари муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Томонлар Япония ва Ўзбекистон Республикасининг амалий савдо – иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорлигини кенгайтириш мақсадида мазкур қўмиталар фаолияти доирасида биргаликда фаол ишни давом эттириш истагида эканликларини тасдиқладилар.

8. Юқори технологиялар ва инновациялар соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, япон томони Тошкент давлат техника университети хузурида Инновациялар бўйича ўзбек – япон ёшлар марказини очиш тўғрисидаги ўзбек томонининг ташаббусини мамнунийт билан қарши олди.

Томонлар мазкур марказ инновацион фаолиятни ривожлантиришга, ёшларнинг илмий – техникавий ва ижодий салоҳиятини намоён қилишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ёш олим ва муҳандисларининг ушбу соҳадаги фаоллигини оширишга хисса қўшишига умид билдирилар.

9. Томонлар Япония Бош вазири С.Абэниңг Ўзбекистон Республикасига мазкур ташрифи давомида икки мамлакатнинг етакчи ташкилотлари, компаниялари ва банк – молия муассасалари раҳбарлари ва вакиллари иштирокида ўзбек – япон бизнес – форумининг ўтказилишини мамнуният билан қарши олдилар ҳамда ушбу тадбир икки томонлама иқтисодий алоқаларнинг янада кенгайиши учун хизмат қилишига умид билдирилар.

10. Ўзбек томони япон томонига Ўзбекистоннинг иқтисодий инфратузилмасини янгилаш ва яхшилаш, кадрлар тайёрлаш, бозор иқтисодиёти ва корпоратив бошқарувни жадаллаштириш, саноат ва ижтимоий соҳани ривожлантиришда Япония Хукуматининг “Ривожланишга расмий ёрдам” (“РРЁ”) Дастури доирасида қўллаб қувватлагани учун миннатдорчилик изҳор этди.

Ўзбек томони “РРЁ” дастурини амалга татбиқ этувчи орган ҳисобланган Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги (“ДЖАЙКА”) билан самарали ва сермаҳсул ҳамкорликни юқори баҳолади. Томонлар “РРЁ”нинг тегишли лойиҳаларини амалга ошириш учун самарали чоралар муҳим эканлигини яна бир бор тасдиқладилар. Япон томони Ўзбекистон Республикасида устувор лойиҳаларни фаол қўллаб – қувватлашни давом эттириш ниятида эканлигини тасдиқлади.

11. Ўзбек томони Ўзбекистон Республикасининг электр энергетикаси соҳасини модернизация қилиш ва ривожлантиришга мўлжалланган узоқ муддатли дастурларни, шу жумладан “Тўракўргон иссиқлик электр станцияси қурилиши бўйича лойиҳа”ни амалга оширишни қўллаб – қувватлашда кўмаклашгани учун япон томонига миннатдорчилик изҳор қилди. Томонлар электр энергетика соҳасидаги лойиҳаларни жадаллаштиришни мамнуният билан қарши олдилар ва мазкур соҳада ҳамкорликни давом эттиришни тасдиқладилар.

12. Томонлар энергетика ва саноат технологияларини ривожлантириш бўйича Япония давлат ташкилоти (“НЕДО”) томонидан Фарғона иссиқлик электр станциясида юқори самарали когенерацион газ қувурлари технологияларини жорий қилиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича тадқиқотларнинг бошланишини олқишиладилар.

13. Ўзбек томони Япония билан қишлоқ хўжалиги ва ирригация соҳасидаги ҳамкорлик, шу жумладан узоқ муддатли йенали кредитларни жалб этиш орқали “Аму – Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш” лойиҳасининг амалга оширилишини юқори баҳолади.

14. Осиёда, шу қаторда Ўзбекистонда талабгир бўлган инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Томонлар яна бир бор юқори сифатли инфратузилмани ривожлантириш учун инвестициялар жалб қилишни кенгайтириш заруриятини тасдиқладилар.

Япон томони бошқа шерик ҳалқаро донорлик ташкилотлари иштирокида, жумладан Осиё тараққиёт банки ҳамда хусусий молиявий маблағларни самарали сафарбар қилиш орқали инфратузилмавий лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш ҳажмини кенгайтириш истагини билдириди. Япон томони Ўзбекистонга ноу – хау беришни рағбатлантириш истагини билдириди. Ўзбек томони япон томонининг мазкур ташаббусини юқори баҳолади.

15. Томонлар 2015 йил сентябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш масалалари бўйича ўзбек – япон конференцияси натижалари Ўзбекистон Республикаси инфратузилмасини илғор япон ишланмалари ва технологияларини жорий этиш асосида модернизация қилишга амалий ҳисса қўшишига умид билдирилар.

16. Ўзбек томони соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасида, шу жумладан “Навоий вилояти кўп тармоқли касалхонасини модернизация қилиш ва замонавий тиббий ускуна билан жиҳозлаш” лойиҳасини илгари суришда Япония кўмаги учун ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Ўзбек томони мазкур соҳадаги ҳамкорликнинг келажакда давом эттирилишига, шунингдек япон компаниялари томонидан Ўзбекистондаги япон тиббий ускуналарига хизмат кўрсатиш Марказини яратиш лойиҳасини амалга оширилишига умид билдириди.

17. Томонлар япон компаниялари иштирокида Ўзбекистон Республикасида устувор инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш соҳасида Япония ҳалқаро ҳамкорлик банки (“ДЖЕЙБИК”) ва Япония экспорт инвестициявий сугурта агентлигининг (“НЕКСИ”) муҳим ўрнини қайд этдилар.

Томонлар “Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телекўрсатув тармоғини ривожлантириш” лойиҳасини молиялаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан “ДЖЕЙБИК” ўртасида кредит битимининг амалга оширилишини ҳамда “НЕКСИ”нинг ташқи савдо келишувларни суғурта қилиш соҳасидаги фаолиятини давом эттириш бўйича қарорини қўллаб – қувватладилар.

18. Томонлар иқтисодиётнинг турли соҳаларида муваффақиятли мисоллар мавжудлигини таъкидлаб, телекоммуникация магистрал тармоқлари, аммиак ва карбамид ишлаб чиқарувчи завод, тўқимачилик фабрикаси, автобус ва юк машиналарини ишлаб чиқариш каби лойиҳаларнинг таракқиёти Ўзбекистонда япон компаниялари фаолиятининг янада кенгайиши учун қўшимча туртки бўлиб хизмат қилишига умид билдирилар.

Ўзбек томони шунингдек япон компанияларининг мамлакат корхоналарига замонавий корпоратив бошқарув методларини ва илғор технологик ечимларни жорий қилишни кўзда тутувчи саноат объектларини хусусийлаштириш дастурларида иштирок этишларига умид билдириди.

19. Томонлар Япониянинг нефть, газ ва металлар миллий корпорацияси (“ДЖОГМЕК”) билан истиқболли фойдали қазилмалар конларини геологик ўрганиш ва нефть – газ тармоқларида бирғаликдаги лойиҳаларни амалга ошириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама битимлар ва меморандумларнинг имзоланишини мамнуният билан қарши олдилар.

20. Томонлар илғор япон тажрибаси ва технологияларини жалб қилиш асосида ахборот – коммуникация технологиялари соҳасида икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишидан қониқиши ҳосил қилганликларини билдирилар.

Япония Ички ишлар ва телекомуникациялар вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўртасида 2014 йил январда имзоланган Меморандум доирасидаги самарали амалий ҳамкорлик алоҳида қайд этилди. 2014 йил ноябрь ойида

ўтказилган ахборот – коммуникация технологиялари бўйича ўзбек – япон семинари натижалари юқори баҳоланди.

Томонлар ахборот – коммуникация технологиялари соҳасида, шу жумладан тажриба алмасиши ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга умид билдирилар.

21. Томонлар икки мамлакат ўртасида ўзаро англашувни чукурлаштириш ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда туристик алмасинув соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши мухим аҳамият касб этишини тасдиқладилар.

Томонлар туризм соҳасида шерикчилик алоқаларини янада кенгайтириш тўғрисида келишиб олдилар ва Япония ер, инфратузилмалар, транспорт ва туризм вазирлигининг Туризм бўйича агентлиги билан “Ўзбектуризм” миллий компанияси ўртасида Меморандум имзоланишини мамнуният билан қарши олдилар.

22. Ўзбек томони Японияда тажриба ўрганиш амалиёти Ўзбекистон кадрларини тайёрлаш учун фойдали эканлигини таъкидлади. Томонлар ушбу ҳамкорлик механизмини янада мақбуллаштириш зарурати тўғрисида келишиб олдилар.

23. Томонлар икки тарафлама муносабатларда маданий – гуманитар алмасинув ривожига берилаётган мухим аҳамиятни эътироф этдилар ҳамда келгусида ушбу соҳада лойиҳаларни амалга оширишда зарур ёрдам кўрсатишга тайёрликларини билдирилар.

Ўзбек томони Инсон ресурсларини ривожлантириш Ўзбек – Япон маркази ва Япония университетларининг Ўзбекистон Республикасидаги сермаҳсул фаолиятини юқори баҳолади ҳамда япон томонининг техник фанлар соҳасидаги, шу жумладан технологик ва тадбиркорлик коллежлари иштирокида илғор япон тажрибаси ва таълим методикасини қўллаган ҳолда юқори малакали ўзбек мутахассисларини тайёрлаш бўйича ташаббусини қўллаб – қувватлади.

Ўзбек томони ёш мутахассис ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, шу жумладан “Инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасига стипендиялар дастури” йўналиши бўйича Япониянинг кўп йиллик сермаҳсул ҳамкорлиги ва кўмаги учун ўз миннатдорчилигини билдириди.

Томонлар олий таълим, шу жумладан юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишни келгусида ҳам ҳар томонлама қўллаб – қувватлашни давом эттиришларини тасдиқладилар, ҳамда турли соҳаларда, шу жумладан илм – фан ва технология соҳасида талабалар ҳамда ёш мутахассислар алмашинувини кенгайтириш ва икки мамлакат олий ўкув юртлари ўртасида ҳамкорликни рағбатлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Томонлар 2015 йил ноябрда Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган Ўзбекистон ва Япония университетлари ректорлари иккинчи конференцияси олий таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беришига ишонч билдирилар.

Томонлар, икки давлат кенг жамоатчилигини ўзбек ва япон маданияти билан, шу жумладан спектакллар ташкиллаштириш, телевизион дастурлар намойиш қилиш, миллий жанг санъати ва спорт турларини оммалаштириш орқали таништиришга қаратилган зарурый ёрдам бериш истагини билдирилар.

24. Томонлар Ўзбекистон Республикасининг маданий меросини ҳимоя қилиш, шу жумладан Буюк Ипак йўлини бутунжаҳон меросининг обьекти сифатида тавсия этиш учун ҳужжатлаштиришни қўллаб – қувватлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон худудида қадимги Буддийлик дини ёдгорликларининг археологик қазилмаларини олиб бориш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг натижаларидан қониқиши ҳосил қилганликларини билдириб ўтдилар.

## II. Минтақавий ҳамкорлик

25. Томонлар Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни янада жадаллаштириш учун яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Томонлар минтақадаги барча давлатлар учун умумий қизиқиши уйғотадиган соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг муҳим механизми сифатида “Марказий Осиё + Япония” Мулоқоти ғояси долзарблигини яна бир бор тасдиқладилар.

26. Томонлар 2014 йил июль ойида Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё + Япония” Мулоқоти 5 – вазирлар йиғилиши давомида иштирокчи – давлатларнинг Ташқи ишлар

вазирлари амалий ҳамкорликни олға суриш учун платформа сифатида мазкур форматдан фаол фойдаланиш бўйича келгусидаги ишларнинг йўналишларини белгилаб олганликларини қайд этдилар.

Томонлар юқорида қайд этилган учрашувда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги соҳасида минтақавий ҳамкорликка оид йўл харитаси”га мувофиқ ҳамкорликни чукурлаштириш муҳимлигини яна бир бор тасдиқладилар ва тегишли идоралар ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида хўжжатнинг имзоланишини, шунингдек ДЖАЙКАНИНГ техник ёрдами дастури доирасида кичик кўламдаги лойиҳалари қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бўйича технологияларни модернизациялаш мақсадида алмашувларни жадаллаштиришни мамнуният билан қарши олдилар.

27. Томонлар “Марказий Осиё + Япония” Мулоқоти доирасида транспорт ва логистика соҳаларида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлигини қайд этдилар.

28. Томонлар 2016 йил Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё + Япония” Мулоқоти доирасида 6 – Ташқи ишлар вазирлари даражасидаги учрашувга тайёргарлик кўриш учун зарур тадбирларни тезлаштиришга келишиб олдилар.

29. Томонлар Марказий Осиё сув ресурсларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш масалаларини халқаро хукуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқ, минтақадаги барча давлатлар манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этиш лозимлигини тасдиқладилар.

Томонлар халқаро ҳамжамиятнинг муҳим вазифаси Орол денгизи фожиасининг ечимини топишдан иборат эканлигини таъкидладилар. Мазкур масала юзасидан Япон томони минтақадаги сув ва энергетика ресурслари масалалари билан боғлиқ вазиятнинг яхшиланишига ҳисса қўшиш мақсадида икки томонлама муносабатлар асосида ҳамкорликни жадаллаштириш истагини билдиради.

30. Томонлар Афғонистондаги вазиятни тезкор барқарорлаштириш масалаларини кўриб чиқдилар ва ушбу мамлакатда тинчликка эришиш Марказий Осиёда ва халқаро ҳамжамият миқёсида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш

учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Томонлар миллий муросага келиш, тинчликни тиклаш ва мамлакатни қайта барпо этиш борасида Афғонистон Ҳукумати ва халқининг саъ – ҳаракатларини қўллаб – қувватлашларини билдирилар.

31. Томонлар наркотрафикка қарши кураш ва давлат чегараларининг ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш борасида Япония ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ҳамкорликнинг муҳимлигини тасдиқладилар.

Ўзбекистон томони қўздан кечириш ускуналарини тақдим этиш, чегараларни бошқариш тизимини шакллантириш, шунингдек божхона ишлари соҳасида амалиёт ўташда Япония кўмагини юқори баҳолади ва мазкур соҳада ўзаро ҳамкорликнинг янада чуқурлашувига умид билдири.

Япон томони зарур бўлган ҳамкорликни, шу жумладан БМТ Таракқиёт дастури, БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси, шунингдек Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлантириш маркази (ЦАРИКЦ) каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини билдири.

Томонлар бундан буён ҳам жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисида ахборот алмашинуви механизмини яратиш бўйича маслаҳатлашувлар олиб боришга келишиб олдилар.

### III. Халқаро майдондаги ҳамкорлик

32. Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб – қувватлаш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳимлигини таъкидладилар. Томонлар можароларни тинч йўл билан халқаро ҳуқуқ асосида ҳал этиш муҳимлиги тўғрисида яқдил фикр билдирилар.

Томонлар БМТ глобал хавфсизликни сақлаш ва таъминлашда, халқаро ҳамкорликни тарғиб этишда марказий ўрин эгаллаши лозимлигини қайд этдилар, ҳамда БМТ самарадорлиги, очиқлиги ва обрўсини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, Томонлар Бош Ассамблея 70 – сессияси давомида тинчлик ва хавфсизликни сақлашда

муҳим ўрин эгаллайдиган БМТ Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ килишда аниқ натижаларга эришиш мақсадида ҳамкорлик қилиш заруриятини қайд этдилар.

Ўзбекистон томони БМТ Хавфсизлик Кенгаси доимий аъзолигига Япония номзодини қўллаб – қувватлашини билдириди, ўз навбатида, япон томони бундай қўллаб – қувватлаш учун миннатдорчилик изҳор этди.

33. Томонлар 2015 йилда Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом қуроли билан хужум қилинганлигига 70 йил тўлишини инобатга олган ҳолда, ядроий қуролсизланиш ва ядро қуролини тарқатмаслик тарафдори эканликларини яна бир бор тасдиқладилар. Томонлар 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 48 – сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли худуд барпо этиш ташабусини илгари сурганини таъкидладилар ва 2014 йилда ядроий қуролга эга бешта давлат томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли худуд барпо этиш тўғрисида Шартнома доирасида “хавфсизлик кафолатлари” ҳақида Протоколнинг имзолангандигини мамнуният билан эътироф этдилар. Томонлар Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида Шартнома асосини ташкил этувчи ядроий қуролсизланиш, ядро қуролини тарқатмаслик ва атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳаларида ҳамкорликни давом эттириш истагини яна бир бор тасдиқладилар.

34. Томонлар барча ғайриинсоний ҳатти – ҳаракатларни, зўравонликни, шунингдек терроризмнинг барча кўринишларини кескин қораладилар. Томонлар терроризм олдида мағлубиятга учрашга йўл қўймаслик учун халқаро ҳамжамият билан биргаликда дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш саъй – ҳаракатларига фаол ҳисса қўшиш зарурияти тўғрисида яқдил фикр билдирилар.

35. Томонлар атроф муҳит, иқлим ўзгариши ҳамда табиий оғатлар хавфини камайтириш муаммолари глобал тусга эгалиги ҳақида ягона англашувга эришдилар ва улар ўзаро келишилган ёндошувларни, шу жумладан инсон хавфсизлиги концепцияси доирасида қабул қилинишини талаб этадилар. Япон томони 2015 йил март ойида Японияда табиий оғатлар хавфини

камайтириш бўйича БМТнинг Учинчи бутунжаҳон конференциясини муваффақиятли ўтказишида қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистонга миннатдорчилик билдириди. Ўзбек томони мазкур Конференциянинг муваффақиятли ўтказилганлигини юқори баҳолади ва табиий оғатлар хавфини камайтириш бўйича 2015 – 2030 йилларга мўлжалланган Сендай доиравий дастурининг асосий тамойилларини амалга ошириш учун саъй – ҳаракатлар қилиш истагида эканлигини билдириди.

Ўзбек томони атроф – мухитни муҳофаза қилиш ва табиий оғатлар хавфини камайтириш соҳаларида, шу жумладан Орол денгизи муаммоларини ҳал этишда япон технологияларидан ва ноу – хаудан фаол фойдаланиш муҳимлигини таъкидлади. Япония томони мазкур таклифни инобатга олди. Ўзбек томони Цунами хавфи ва унинг оқибатларини камайтириш учун чора – тадбирлар кўриш муҳимлиги тўғрисидаги билимларни ошириш мақсадида Япониянинг 5 ноябрни “Бутунжаҳон цунами куни” деб эълон қилиш таклифини мамнуният билан қарши олди.

36. Томонлар Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишда яқин ҳамкорликни юқори баҳоладилар ва 2015 йилдан сўнг тараққиёт соҳасида глобал кун тартибини ташкил этадиган Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ўзаро ҳамкорликка тайёрликларини билдиридилар.

37. Томонлар шунингдек 2015 йил сентябрь ойида қабул қилинган “2030 йилга қадар барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартиби”га мувофиқ глобал ҳамкорликни ташкил этиш ва 2015 йил якунида Иқлим ўзгариши тўғрисида БМТ доиравий конвенцияси томонларининг “СОР – 21” 21 – Конференциясида адолатли ва амалий янги халқаро тизимни ташкил этиш тўғрисидаги келишувларга эришишда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

38. Шимолий – Шарқий Осиёда ва халқаро ҳамжамиятда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Томонлар Шимолий Кореяни 2005 йилдаги Олти томонлама музокаралар Кўшма баёноти ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларига амал қилишга, шунингдек, Корея ярим оролини денуклиризация қилишда аниқ ҳаракатларни амалга оширишга чақирдилар. Томонлар Шимолий Кореяни миңтақавий ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизлика таҳдид солувчи бошқа барча

ҳаракатлардан, шу жумладан ядрорий синовларни амалга оширишдан тийилишга, шунингдек гуманитар тусдаги масалаларга оид халқаро ҳамжамиятнинг хавотирини йўқотишга қаратилган чора – тадбирларни амалга оширишга чақирдилар.

#### IV. Хулоса

39. Томонлар бўлиб ўтган ташриф давомида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар ўз халқлари фаровонлигининг юксалиши ҳамда ўзаро гуллаб – яшнаши йўлида икки давлат ўртасида стратегик шерикчилик муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилишига ишонч билдирилар.

40. Япония Бош вазири Синдзо Абэ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ва барча ўзбек халқига Япония делегациясига кўрсатилган илиқ қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдири. Томонлар иккала мамлакат ўртасида олий даражада мулоқотни давом эттириш муҳимлигини қайд этдилар.

Тошкент шаҳрида 2015 йил 25 октябрда икки нусхада ҳар бири япон, ўзбек ва рус тилларида тузилди. Мазкур Қўшма баёнот қоидаларини тақин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда рус тилидаги матндан фойдаланилади.

**Япония  
Бош вазири**

**Синдзо Абэ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ислом Каримов**